O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

БУГУНГИ СОНДА:



**"ҲАМОН ЭЪТИҚОДИМ ҲАҚИҚАТ, ҲАҚДИР"**

Зулфия опанинг шеърияти тафаккур теранлиги, туйғулар уммони, осмон мисоли бағрикенглиги билан ўзбек аёлининг беназир қалби тажаллийсидир.

3



**ОЗИҚ-ОВҚАТ — КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖИМИЗ**

Глобал молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш борасида Ўзбекистонда аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда

4



**ДОВРУҒИ ДУНЁГА ДОСТОН**

Каримани от устида қўрқмай ўтирганини кўрган машҳур қизиқчи Акром Юсупов "Бу қиздан келгусида зўр артист, зўр чавандоз чиқади", – деган экан.

8

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

№ 9-10 (714)
2009 йил, 6 март, жума

O'zbekiston ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Марказий аппаратда**

## ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

*Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Раёсати ва Ижроия Қўмитасининг қўшма мажлисида ана шу фикр қатъий билдирилди*

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Раёсати ва Ижроия Қўмитасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сиёсий Кенгаш Раёсати ва Ижроия Қўмитаси аъзолари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Кенгашлари фаоллари иштирок этди.**

Мажлисда даставвал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби" номли маърузасидан келиб чиқадиган "Адолат" СДПнинг вазифалари қизғин муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши раиси, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров сўзга чиқди.

– Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ўтган йил якунлари бўйича республика ялпи ички маҳсулоти 9 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 8,3 фоизга ўсгани, давлат бюджети профицит билан бажарилгани, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан ортиқ бўлмагани алоҳида мамнуният билан қайд этилди, – деди фракция раҳбари Исмоил Саифназаров. – Ушбу факт ва рақамлар, далиллар тасдиғини бугун мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий соҳаларининг барқарор ривожланаётганида, аҳоли фаровонлигининг изчил ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янада ободонлашиб, янгича қиёфа касб этаётганида ва, энг муҳими, юртимизда рўй бераётган демократик янгиланиш жараёнларида яққол кўриш мумкин. Бу партиямиз аъзолари, хайрихоҳларида фахр ва ғурур туйғусини уйғотиши баробарида, ислоҳотларнинг келгуси босқичларида янада фаол иштирок этишга, юртнинг эртанги куни, порлоқ истиқболига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди. Бинобарин, Президент маърузасида юртимиздаги мавжуд барча фуқаролик институтлари қаторида сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП олдига ҳам масъулиятли вазифалар қўйилди. Бу вазифаларни бажариш учун партиянинг ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашуви талаб этилади.

Қўшма мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Юртбошимиз маърузасида билдирилган мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг 2009 йилга мўлжалланган барча устувор йўналишларини тўла қўллаб-қувватлайди. Чунки ушбу устувор йўналишлар партиянинг дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир. Масалан, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар республикадаги мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий инқироз пайтида бевосита қўллаб-қувватлаш баробарида, нафақат улардаги мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш, балки янги иш жойларини яратишга ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз. Бу эса "Адолат" СДПнинг энг муҳим фаолият йўналишларидан бири – кучли ижтимоий ҳимоя ҳамдир. Шу боис, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг 2009 йилга мўлжалланган устувор йўналишларини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этишдек ғоятда муҳим вазифани амалга оширишга партия етакчилари, фаоллари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари зарур. Айниқса, партия электорати орасида кенг ва самарали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, фуқароларда ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш катта аҳамиятга эга. Қолаверса, партия томонидан жойларда кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ҳам кутилган самарани беради. Шунинг учун ҳам партиянинг барча бўғинлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш, айниқса, бошланғич ташкилотлар, туман ва шаҳар Кенгашлари, депутатлик гуруҳлари фаоллигини янада ошириш лозим.

(Давоми 2-бетда.)

**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни**

## ЭЪЗОЗДАСИЗ ДОИМ, АЁЛЛАР!



Миллати, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, яшайдиган юрти ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар – инсоннинг ўзи ҳаётида танлай олмайдиган, танлаш имкониятига эга бўлмаган фақат икки муқаддас неъмат бор. Улар ҳам бўлса, Она ва Ватан! Бизга нақадар азиз ва қадрли бўлган ана шу иккала сўз, аслида ягона маънони, Онани англатади. Қалбимиз тўридан мустаҳкам ва муносиб жой эгаллаган ушбу сўзларнинг ўхшашлиги тасодифий ҳол эмас, дунёда онадан-да эъзозли ва эҳтиромга лойиқ инсон, Она Ватандан-да азиз ва қимматли, мурувватли замин йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу иккала номни бир-бирига менгзашнинг асосий сабабларидан яна бири шундаки, онага ҳам, Она Ватанга ҳам хиёнат қилиш гуноҳи азимдир, бу номларнинг муштараклиги ана шунда бўлса, ажаб эмас. Зеро, мўътабар оналар, хотин-қизлар, бўлғуси оналар — ҳаётнинг боши, уй-рўзғоримиз, жамиятимиз фариштасидирлар.

Халқимиз орасида "Аёл бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан дунёни тебратади" деган нақл бежиз вужудга келмаган. Буюк аждодларимиз, миллатимиз тарихидан маълумки, ўзбек аёли, ўзбек оналари нафақат ўз элимиз, балки дунё ҳамжамияти, умумбашарият тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган машҳур ўғлонлари – Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби саркардалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний, ҳазрат Хўжа Аҳрор Вали сингари азизу авлиёлари, жаҳонни турли жабҳаларда лол қолдирган олимлари — Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Имом Ал Бухорий, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Мирзо Улуғбек, адиблари — Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек кабилар билан машҳурдирлар. Мағрур ва доно Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсийлар номлари нафақат биз учун, балки илғор фикрли дунё аҳли учун ҳам ниҳоятда улуғ эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

(Давоми 2-бетда.)

**7 кун нафаси**

### КОРХОНАДА ЯНГИ ЦЕХЛАР

Самарқанд туманида фаолият олиб бораётган "Самтехлойиҳақурилиш" хусусий корхонаси қошида янги иккита цех ишга туширилди. Асосан стандарт матбуот тарқатувчи киоскалар ва "Акфа" дераза ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур цехларда бир неча ўнлаб қишлоқ ёшлари учун муқим иш жойлари яратилди.

Корхона қисқа кунлар ичидаёқ истеъмолчиларга 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берди. Буюртмачилар орасида қўшни Бухоро, Навоий, Жиззах вилоятларидан харидорлар кун сайин кўпайиб бормоқда.

### ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ СИНОВДАН ЎТМОҚДА

"Экоэнергия" илмий ишлаб чиқариш маркази чиқиндилардан фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида иш олиб бормоқда. Марказ Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги "Ғишт" кўп тармоқли хусусий корхонасида қамиш, лух ўсимликларидан, шунингдек, полимер идишлар, плёнка, қоғоз қолдиқларидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологиясини синовдан ўтказмоқда.

### ПАРРАНДАЧИЛИК – КОНИ ДАРОМАД

– Ўтган йили "Ғаллабанк"нинг Ўсмат филиалидан 8 милллион сўм кредит олиб, паррандачилик билан шуғуллана бошладим, – деб ҳикоя қилади Жиззах вилоятининг Бахмал туманидан тадбиркор фермер Арслон Ёриев. – Озуқаси 60 гектарлик лалми ерларимиздан чиқиб турибди. Парваришни яхши ташкил этганмиз. Ҳозир кунига 550-600 тадан тухум олиб, қишлоқ шифохонаси ва болалар боғчасига пешма-пеш етказиб бераяпмиз...

Муҳими, мазкур фермер хўжалиги паррандачиликдан келаётган даромаднинг бир қисмини қишлоқ ободончилиги, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам каби хайрли ишларга сарфламоқда. Яқинда қишлоқ ёнидан оқиб ўтувчи катта сой устида бунёд этилган кўприк ҳам паррандачиликдан тушган даромад ҳисобига бўлди.

### ҒАМХЎРЛИК

Навоий машинасозлик заводида ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун яхши шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, корхона тасарруфидаги боғда соғломлаштириш маркази, унинг ёнида жамоа аҳлини қишин-ёзин витаминга бой резавор маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида ярим гектарлик майдонда иссиқхона хўжалиги ташкил этилди.

**Парламентда**

## ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ

**қонун лойиҳаларини муҳокама этиш билан бирга фаолиятни ҳам чуқур таҳлил қилишди**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров олиб борди.

Дастлаб депутатлар иккинчи ўқишда ялпи мажлис кун тартибига киритилиши назарда тутилаётган "Коллекторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Бу масала юзасидан қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Алиқул Эрдонаевнинг маърузаси тингланди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, лойиҳа таҳририй жиҳатдан қайта кўриб чиқилди ҳамда унга коллекторлик ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи ваколатли орган тушунчаси киритилди.

Коллекторлик ташкилотининг бошқа ташкилотлар ҳисобидан молиялаштирилиши ҳақидаги меъёр эса чиқариб ташланди. Шунингдек, лойиҳадаги моддалар 24 тадан 20 тага қисқартирилиб, яхлит ҳолга келтирилди.

(Давоми 2-бетда.)

**«ААЛАМ» газетаси:**

## «ИСЛОМ КАРИМОВ – БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА, ШУБҲАСИЗ, ЮКСАК ҚОБИЛИЯТЛИ МЕНЕЖЕР»

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси хорижий мамлакатларда кенг ўрганилмоқда ва шарҳланмоқда.***

***Яқинда Қирғизистоннинг «Аалам» газетаси «Қирғизпатент» давлат патент хизмати статс-секретари, иқтисод фанлари номзоди Калнур Ормушев билан Ўзбекистон Президенти маърузаси таҳлил этилган суҳбатни чоп этди.***

«Ўзбекистонда иқтисодиёт минтақадаги қўшни давлатлардагига қараганда оқилона, оптимал тарзда ташкил этилган ва бир маромда ривожланиб бормоқда. Ўтган йили бизнинг вазиримиз А.Жапаров (Қирғизистон иқтисодий тараққиёт ва савдо вазири – таҳр. изоҳи) иқтисодиётнинг кластер тизимларини шакллантириш ғоясини илгари сурганди. Ўзбекистонда эса бизнинг бу орзумиз аллақачон амалда фаолият кўрсатмоқда. Яъни, ҳар бир ишлаб чиқариш цикли учун хомашё тайёрлаш, унга ишлов бериш ва қайта ишлашдан тортиб, маҳсулотни бозорга олиб чиқишгача бўлган жараён – бунинг учун техника ва технологияларни яратиш ва кадрлар тайёрлашгача бўлган комплекс тарзда ташкил этилган тизимлар ишлаб келмоқда. Мисол учун мамлакат учун анъанавий пахтачилик соҳасини олинг. Зарурий ирригация иншоотлари ва ўғитлар билан ишлов берилган пахта далаларида ўз ишининг устаси бўлган, малакали деҳқонлар маҳаллий олимлар томонидан яратилган пахта навларини экиб-ўстиради.

(Давоми 4-бетда.)

**«Инқирозга қарши чоралар дастури» амалда**

## ОЗИҚ-ОВҚАТ — КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖИМИЗ

*Глобал молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш борасида Ўзбекистонда аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда*

Жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида амалга оширилаётган тадбирларнинг нечоғли самарадорлиги, уларнинг бирбири билан уйғунлигига боғлиқ.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини аниқ қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда мамлакат иқтисодиёти реал секторида жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг салбий оқибатлари бартараф этилиши мумкин бўлган ҳал қилувчи омиллар аниқ белгилаб берилган. Шулардан бири – озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қўшимча чоралардир.

Дунё мутахассислари ўтган йилнинг ёзидан бошланган молиявий-иқтисодий кризис реал сектор – ишлаб чиқаришга ҳам таъсир этишидан хавотирда эди, афсуски, башоратлар ўзини оқлади: Европа, Америка, Россиянинг турли тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кескин камайиб кетди. Хусусан, кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат тармоғи маҳсулотларига ҳам эҳтиёж тушиб кетди. Шунга қарамай, юртимизда иқтисодиётни ислоҳ қилишда узоқни кўзлаб иш олиб борилаётгани натижасида аҳолини ўз вақтида, узлуксиз ва бир меъёрда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари давом этмоқда. «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси бу борадаги ишларни амалга оширишда етакчи ташкилотлардан бири ҳисобланади.

(Давоми 4-бетда.)

# ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мажлис кун тартибидаги иккинчи масала – Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2008 йилдаги фаолияти ҳисоботи ва 2009 йилга мўлжалланган иш режаси юзасидан фракция аъзоси Собир Турсуновнинг маърузаси тингланди. Нотиқ ўз маърузасида фракциянинг 2008 йилги фаолияти самарали кечганлигини, ижтимоий муҳофаза, соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, ёшлар ва аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш каби масалалар устуворлик касб этганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, фракция аъзолари ҳисобот даврида қуйи палата йиғилишларида, назорат-таҳлил текширувларида, турли давра суҳбатлари ва семинарларда, сайловчилар билан учрашувларда фаол қатнашдилар. Фракция йиғилишларида кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди, уларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланди ҳамда фракциянинг позицияси белгилаб олинди. Шунингдек, йил давомида 19 та қонун лойиҳаси бўйича таклифлар тайёрланиб, тегишли қўмиталарга тақдим қилинди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ ўтган йилнинг февраль, май ва ноябрь ойларида фракция аъзолари ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишди. Учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, демократик ўзгаришлар шарофати, қабул қилинаётган янги қонунлар, уларнинг аҳамияти тўғрисида сўз борди. Шунингдек, электр энергияси ва газ таъминоти, бандлик, мактаб-маориф, кредит олиш сингари ўнлаб масалалар бўйича сайловчилар томонидан билдирилган кўплаб мурожаатлар депутатлар кўмагида ижобий ҳал қилинди.

Мажлисда партия фракциясининг жорий – 2009 йилги иш режаси ҳам кенг муҳокама қилиниб, уни янада такомилига етказишга қаратилган таклифлар билдирилди.

Шундан сўнг мажлис иштирокчилари томонидан "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси 2008 йил бюджетининг ижроси ҳақида"ги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаров ахборот берди.

Муҳокамалардан сўнг партиянинг 2008 йил бюджети ижроси маъқулланди.

Маълумки, бу йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шунинг учун 2009 йилда мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар, шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолларидан зўр ғайрат-шижоат ва қатъиятлилик, фаоллик билан иш олиб бориш талаб этилади.

– Мазкур сайловлар биз учун ниҳоятда муҳим сиёсий жараён ҳисобланади, – деди мажлисда сўзга чиққан партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Алишер Мўминов. – Негаки, сайловлардаги иштирокимиз ўтган давр мобайнида партиямизнинг халқ ишончини қай даражада қозона олганлигини белгилаб беради.

Марказий аппарат маълумотларига кўра, айни пайтда Хоразм, Қашқадарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар партия Кенгашларининг Олий Мажлис қуйи палатаси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодларни танлаш, ҳисобга олиш ва заҳира шакллантириш борасида муваффақиятли иш олиб боришмоқда. Таассуфки, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари партия ташкилотлари бу муҳим вазифага лоқайдлик билан қарашмоқда, сусткашликкка йўл қўйишмоқда. Шу боис, Олий Мажлис қуйи палатаси, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодларни танлаш, ҳисобга олиш ва заҳира шакллантириш ишларини янада жадаллаштириш лозим. Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни танлаш, ҳисобга олиш ва заҳира шакллантиришни ташкил этиш бўйича Низоми ҳудудий Кенгашларимизнинг мазкур йўналишдаги фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлис иштирокчилари мазкур масалага аввало жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларнинг юксак аҳамиятини чуқур англаган ҳолда ёндашдилар, муносабат билдирдилар.

Партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаров мажлис қатнашчилари эътиборига Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг навбатдаги – XI Пленумини чақириш тўғрисидаги масалани ҳавола этди. Пленум кун тартибидан ўрин олган масалалар бўйича Сиёсий Кенгаш ва Ижроия Қўмита аъзоларининг таклиф-мулоҳазалари тингланди. Сўнг партия Сиёсий Кенгашининг XI Пленумини жорий йилнинг 13 март куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди, шунингдек ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Қўшма мажлис сўнггида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти партия Кенгашларининг 2008 йилдаги фаолиятлари юзасидан ҳисоботлар тингланди.

**Фарида ПАРМОНОВА, Тошкент шаҳар партия Кенгаши раиси:**

– Ҳисобот йилида асосий эътиборни аъзоларимиз ва тарафдорларимиз сонини кўпайтириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш ва шу орқали ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлашга қаратдик. Турли мавзуларга бағишлаб ўтказилган тадбирларимиз савияси ошди. Яна бир эътиборли жиҳат шуки, туман Кенгашлари саъй-ҳаракати билан кам таъминланган оилаларга, болалар уйларига 3 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, фуқароларга 100 миллион сўмдан зиёд кредитлар олиб беришга ёрдам берилди.



**Камолжон ШОДИМЕТОВ, Тошкент вилояти партия Кенгаши раиси:**

– Партиявий кадрларни тайёрлаш ишларини самарали йўлга қўйиш "Адолат" СДПнинг стратегик мақсадларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам "Ёшлар йили"да сафимизни билимдон, салоҳиятли ёш "Адолатчилар" билан тўлдириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, вилоятдаги "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ва бошқа бир нечта нодавлат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бордик. Бунинг самараси ўлароқ, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиб, мурожаатлар юзасидан фуқароларимизга зарур ёрдам, тавсия ва кўрсатмалар берилди, айрим муаммоларнинг ҳал қилинишига эришилди.

Ҳақиқатдан ҳам Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти партия ташкилотлари томонидан ўтган йили партиявий фаолиятни янада жонлантириш, ишга ёндашувни янгилаш, аъзолар сафини кенгайтириш мақсадида эътиборга молик талай ишлар амалга оширилган. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Тошкент шаҳридаги партия аъзолари сони сўнгги бир йил мобайнида 1140 нафарга ошган, аъзолик бадаллари тушуми режаси ортиғи билан уддаланган. Бироқ, шунга қарамасдан, Тошкент шаҳридаги айрим туман Кенгашлари фаолиятида ҳали-ҳануз сусткашлик кўзга ташланмоқда, бошланғич ташкилотлар ишида жонланиш сезилмаяпти.

Тошкент вилоятида жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бошланғич ташкилотлар сони 297 тани, аъзолар сони эса 4936 нафарни ташкил этган. Масалан, Янгийўл туманида 425 киши, Ангрен шаҳрида 314 киши партия аъзолигига қабул қилинган. Аксинча, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари, Қуйичирчиқ, Пскент, Юқоричирчиқ туманларида аъзолар сонини оширишга эришилмаган.

Мажлисда мазкур ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ўтган йили амалга оширилган ижобий ишлар, қўлга киритилган ютуқлар эътироф этилди, йўл қўйилган хато ва камчиликлар қайд этилиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Қўшма мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Камол АЛЛАЁРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

# ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ

*қонун лойиҳаларини муҳокама этиш билан бирга фаолиятни ҳам чуқур таҳлил қилишди*

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Муҳокамалар асносида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

– Қонун қабул қилинса, кредиторнинг қарзларини судгача ундиришнинг ҳуқуқий асослари яратилади, – деди фракция аъзоси Ойша Охунова. – Бу, табиийки, қарзларни ихтиёрий равишда ундириш механизмини жорий этиш имкониятини беради.

"Коллекторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан "Банк сири тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида"ги ҳамда "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Маълумки, мамлакатимизда мавжуд сиёсий партиялар ўз молиявий фаолиятини "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Сиёсий партияларнинг Уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомига асосан олиб боради. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси регламентига биноан эса, сиёсий партиялар йиллик молиявий фаолияти юзасидан Қонунчилик палатаси депутатларига ҳисобот беради. Фракция йиғилишида ялпи мажлис аввалида партиянинг 2008 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари ва харажатлари ҳақидаги ахборот тингланди.

Йиғилишда фракция аъзоларининг жорий йил февраль ойининг охирги ҳафтасида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари чуқур таҳлил қилинди. Эътироф этилдики, депутатлар сайловчилар билан бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотларда парламентда қабул қилинаётган қонунлар, уларни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга эътибор қаратдилар. Учрашувлар давомида Юртбошимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар юзасидан кенг тушунчалар берилди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг асосий мақсади, унда белгиланган вазифалар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, фуқаролар парламентдаги вакилларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиш баробарида мамлакатимиздаги демократик янгиланишларга ўз муносабатларини, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Фракция йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

***2008 йил 25 январь куни бўлиб ўтган Сиёсий Кенгаш Раёсати ва Ижроия Қўмитасининг қўшма мажлисида партиянинг даромадлар ва харажатлар сметасидан иборат "Адолат" СДПнинг 2008 йил бюджети тасдиқланди. Ўтган давр мобайнида партиянинг молиявий фаолияти асосан шу ҳужжат асосида юритилди.***

# БЮДЖЕТ ИЖРОСИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

2008 йил давомида партия ҳисоб рақамларига 375261,1 минг сўм маблағ келиб тушди. Шундан 331998,0 минг сўми давлат бюджетидан ажратилган маблағлар бўлиб, улар партия устав фаолиятини молиялаштириш учун сарфланди. Партиянинг ўз фаолиятидан олинган тушумлар эса 43263,1 минг сўмни ташкил этган бўлиб, улардан 38385,5 минг сўми аъзолик бадалларидан, 3540,0 минг сўми ҳомийлик ёрдамидан ва 1337,6 минг сўми қонунга зид бўлмаган бошқа манбалардан келиб тушган маблағлардир.

Ўтган йилда партия устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарф қилинди:

– Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ва ҳудудий партия Кенгашлари ходимлари иш ҳақи ва унга ажратмалар учун – 254804,2 минг сўм;

– жорий харажатлар учун – 51096,4 минг сўм;

– партиянинг нашрий органи – "Адолат" газетасига моддий ёрдам учун – 20571,1 минг сўм;

– партиявий тадбирларни ўтказиш учун – 5526,3 минг сўм;

Давлат бюджети маблағларидан партия устав фаолияти учун сарфланган жами харажатлар 331998,0 минг сўмни ташкил этди. Бу харажатларнинг асосий қисми (77,0 фоизи) иш ҳақи ва унинг ажратмаларидан иборат бўлди.

Ўтган йилда партиянинг бюджетдан ташқари маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланди:

– ходимлар иш ҳақи ва иш ҳақига ажратмалар учун – 8410,7 минг сўм;

– Марказий аппарат ва ҳудудий партия Кенгашлари аппаратларининг жорий харажатлари учун – 19334,1 минг сўм.

2009 йил 1 январига бюджетдан ташқари маблағлар қолдиғи – 15518,3 минг сўмни ташкил этди.

## 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

# ЭЪЗОЗДАСИЗ ДОИМ, АЁЛЛАР!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган хотин-қизларнинг ҳаётда муносиб ўринларини эгаллаши, ўзларидаги салоҳиятни намоён этишлари ва жамиятда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларда уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш мақсадида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, ҳукуматимиз томонидан имкониятлар яратишда, аввало, уларнинг оналик ва оиладаги бош тарбиячилик вазифаларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", - деган пурмаъно сўзлари замирида ҳам аёлларга бўлган юксак ишонч, меҳр-оқибат баробарида, фақат аёлларгагина юкланиши жоиз бўлган алоҳида масъулият мужассамлашган, десам муболаға бўлмайди.

Шу боисдан ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб:

— юртимиз аёлларининг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги, муҳим ҳукумат қарорларини қабул қилишдаги иштирокини таъминлаш;

— хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ўзларидаги иқтидорини турли жабҳаларда намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш;

— ҳаттоки, уй бекаси вазифасинигина адо этиб юрган ҳокисор аёлларнинг бирортаси ҳам беэътибор қолмаслиги учун жамиятда шарт-шароит яратиш;

— оналаримизнинг, айниқса, қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган аёлларимизнинг уй-рўзғор юмушларидан, фарзандлар тарбиясидан, ўз оилаларидан узоқлашмаган ҳолда оила даромадини кўпайтиришига ўз улушини қўшиши, уйда туриб меҳнат билан банд бўлишларини таъминлаш;

— оилалардаги муаммоларни ҳал этиш, оналарнинг фарзандлар тарбияси ва парвариши борасидаги ташвишларини камайтириш, айниқса, қишлоқ аёллари меҳнатини енгиллаштиришга эришиш;

— уларнинг оила ва жамиятдаги ҳар қандай камситилишларининг олдини олиш каби масалалар юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги алоҳида эътиборга сазовордир.

Муҳтарам Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонлари, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Олий Мажлиснинг ХУ сессиясида "Сайловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Парламентига сиёсий партиялардан депутатликка номзодларни кўрсатишда аёллар учун 30 фоизли квота киритилганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг она ва бола саломатлиги масалалари ечимига бағишланган ўнлаб муҳим қарорлари жамиятимиз хотин-қизлар манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш ва амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлардаги фаол иштирокларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Аммо, ҳали юртимиз хотин-қизлари салоҳиятидан, имкониятларидан жамият тараққиёти учун тўлиқ фойдаланганимизча йўқ. Ушбу имкониятлардан тўлақонли фойдаланишни йўлга қўйишдан нафақат хотин-қизларнинг ўзлари, уларнинг яқинлари, балки бутун жамият манфаатдор эканлигини инобатга олган ҳолда, ҳали хотин-қизлар ҳаёти ва фаолияти масалаларида жуда кўп долзарб вазифалар олдимизда турибди.

Аъзолари сонининг ярмидан кўпроғини аёллар ташкил қиладиган "Адолат" социал-демократик партияси хотин-қизлар кенгаши ўз фаолиятида асосий эътиборни ҳозирги замон талабларига мос равишда улғайиб бораётган фарзандлар тарбиясига қаратиш лозимлиги, болаларимизни пишиқ-пухта, ўзининг мустақил позициясига эга, ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, илмли, билимли қилиб тарбиялаш, уларда жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага дахлдор ҳиссини шакллантириш кабилар хусусида жойларда, хотин-қизлар, ота-оналар, маҳалла ва таълим масканларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

"Адолат" социал-демократик партияси хотин-қизларнинг жамиятда жуда катта кучга, салоҳиятга эга эканлиги туфайли уларга таянади. Жорий йил муҳтарам Президентимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди. Бу ўз навбатида зиммамизга катта вазифа ва масъулият юклайди. Хусусан, партиямизнинг Хотин-қизлар кенгаши айниқса, қишлоқ аёлларининг ўз имкониятларини ўз оилалари, ўз яқинлари ва ўзлари учун намоён этишларида, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан саводхонлигини, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллигини ошириш юзасидан уларга яқиндан кўмаклашишни асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайди.

Бутун жаҳонни иқтисодий-молиявий инқироз жиддий ташвишга солаётган бир пайтда муҳтарам Юртбошимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначилик асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йилнинг 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Президентнинг 2006 йилнинг 26 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, "Микромолиялаш тўғрисида"ги, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари давлатнинг кучли ижтимоий сиёсатини амалга ошириш йўналишидаги вазифаларнинг амалдаги ечимига, айниқса, қишлоқдаги хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларидан, фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда иш билан бандлигини таъминлаш орқали оилаларнинг моддий фаровонлигини яхшилашга йўналтирилганлиги эътиборга сазовордир.

Шу боисдан, партиямизнинг Хотин-қизлар кенгаши жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари орқали оилавий тадбиркорлик, касаначилик, уй-рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда чорвачилик ва мева-сабзавотчилик билан шуғулланиб, ўз оиласи бюджетига даромад келтиришни хоҳлайдиган аёлларга йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Шунингдек, улар учун ҳуқуқий ва иқтисодий масалаларда маслаҳатлар ташкил қилиш борасида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар вакиллари билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга бахоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда.

Хотин-қизлар мавқеини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улардаги салоҳиятни намоён этишлари учун жамиятда кенг имкониятлар, шарт-шароит яратиш ўз-ўзидан оилаларнинг мустаҳкамланишига, жамият тараққиёти ривожига, қолаверса, халқаро миқёсда ҳам мамлакатимиз нуфузининг янада юксалишига, ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида хотин-қизлар иштирокининг бундан-да кўпайишига кўмаклашиши аниқ. Зеро, ҳар томонлама фаол ва оқила, изланувчан, замонавий аёл меҳнатидан бутун жамият манфаатдор бўлиши айни ҳақиқат.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Хотин-қизлар Кенгаши раиси.**

# ДОИМИЙ ҲАМКОРИМИЗ

Ёшлар эртанги – куннинг ишончли эгалари, тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч. Муҳтарам Юртбошимизнинг ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратишининг боиси ҳам шунда. Эндиликда мамлакатимизда давлат бюджетининг салмоқли қисми ёш авлод таълим-тарбиясига йўналтирилмоқда. Ҳатто чекка қишлоқларимизда ҳам замон талабларига тўла мос келадиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият олиб бормоқда. Ана шундай илм масканларидан бири Қарши педагогика коллежидир.

Коллеждаги 73192 та китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, ёзги ва қишки спорт заллари, футбол, волейбол, баскетбол ўйингоҳлари, кимё, биология, физика кабинетлари, лингафон хоналари, компьютер маркази ёшлар ихтиёрида. Педагогик жамоамиз қисқа давр ичида ҳар томонлама шаклланиб, малакали мутахасислар тайёрлашда бой тажриба тўплади, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлади. Натижа ўлароқ, ўқувчиларимиз орасидан турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ва фан олимпиадаларининг ўнлаб ғолиблари, совриндорлари етишиб чиқди.

Ўқувчиларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида вилоятдаги турли жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Айниқса, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари доимий ҳамкоримизга айланган. Вилоят партия Кенгаши фаоллари, депутатлар тез-тез коллежимизда давра суҳбатлари уюштириб, янги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз Президентининг Фармонлари аҳамияти хусусида ёшларга батафсил сўзлаб беришади. Шу билан бирга, учрашувларда партиянинг мақсад ва вазифалари ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилади. Шу туфайлими, ҳозирда ўқитувчиларимизнинг аксарияти "Адолат" СДПга аъзо бўлишган. Бир сўз билан айтганда, ўқувчи ёшларни сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришда "Адолатчи"ларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

**Фахриддин КАРИМОВ,**
**Қарши педагогика коллежи ўқитувчиси.**

---

*Пойтахтимиздаги "Файз" холдинг компаниясида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тадбир ташкил этилди.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, корхонада хизмат қилаётган хотин-қизлар қатнашган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аёлларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва эътибордан мамнун эканликларини алоҳида таъкидлашди.*



*– Бугун аёлларимиз, қай бир соҳада бўлмасин, жонбозлик кўрсатаётганлигининг гувоҳи бўласиз, – деди корхона раҳбари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Мукаррамхон Азимова. – Қувонарлиси, улар орасида партиядошларимиз ҳам талайгина.*

*Дирабо куй-қўшиқлар янграган, эзгу тилаклар билдирилган байрам тадбири сўнггида "Адолат" СДПга аъзоликка қабул қилинган хотин-қизларга партия билетлари топширилди.*

**Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

---

## «ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

*Самарқанд вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг*

**УРГУТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

***Азиз опа-сингилларимизни, муҳтарама онахонларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан қизғин табриклайди.***




**Байрам Сизларга битмас-туганмас бахт ва шодлик олиб келсин. Озод ва обод юртимизнинг янада гуллаб яшнаб, тараққий этиши борасидаги хизматларингиз ҳамиша ўзининг самарасини берсин. Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!**

---




## ЧУСТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан қизғин табриклайди.

***Сизлар билан ҳамиша олам чароғон бўлсин!***



---



## ХИВА ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

*бутун Ўзбекистон халқини*

**8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан** *чин юракдан қутлайди.*

***Жондек азиз она юртимизни тинчлик-осойишталик ҳеч қачон тарк этмасин!***



# ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК» ЖАМОАСИ

TURON BANK

*Мамлакатимиз хотин-қизларини баҳорнинг энг гўзал ва бетакрор айёми — 8 март байрами билан самимий муборакбод этади.*

*Шу қувончли кунларда барча онахонлару опа-сингилларимизга мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат тилайди.*

*Ҳамиша бахтиёр, гўзал, севимли бўлинг, азиз ва муқаддас аёллар!*



*Байрам кайфияти Сизларни асло тарк этмасин!*

# «ARKTIKA»

## шўъба корхонаси жамоаси

*Мамлакатимиз аёлларини, муҳтарама онахонларимизни, опа-сингилларимизни баҳорнинг энг гўзал айёми —* **Халқаро хотин-қизлар куни** *билан самимий муборакбод этади!*



*Гулгун чеҳрангиздан ҳеч қачон табассум аримасин, азиз аёллар!*

## РОМИТАН ТУМАНИДАГИ
### 1-мактаб жамоаси

**8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан**
барча онахонларимизни,
опа-сингилларимизни чин қалбдан
табриклайди.







## ХИВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз аёлларини баҳорнинг энг гўзал, латофатли байрами —*
Халқаро хотин-қизлар куни билан
*чин қалбдан табриклайди.*
***Сизларга ҳамиша тинчлик, муҳаббат ва соғлиқ тилаймиз!***



## ТАХТАКЎПИР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

**мўътабар онахонларимизни, муҳтарама опа-сингилларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан қутлайди.**

***Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва ишларингизда омад тилаймиз!***



## «МИКРОКРЕДИТБАНК»нинг
### ҒИЖДУВОН БЎЛИМИ



**жамоаси азиз аёлларимизни, мунис ва меҳрибон онахонларимизни, мамлакатимиз хотин-қизларини баҳорий айём — 8 март байрами билан табриклайди.**



